



Ёзавер, нафсим қўлида бўлган Зот - Аллоҳга қасамки, бу оғиздан фақатгина ҳақиқат чиқади

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган ҳар бир нарсамни уни сақлаб қолиш мақсадида ёзиб олар эдим. Қурайшликлар эса мени бундай қилишимдан қайтаришди ва “Эшитган ҳар бир нарсангни ёзиб олаверасанми?! Ахир, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсон бўлсалар ғазабланишлари, рози бўлишлари мумкин”, дедилар. Мен ёзишдан тўхтаб қолдим. Сўнг бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сўзлаб бердим. У зот бармоқлари билан оғизларига ишора қилдилар ва: «Ёзавер, нафсим қўлида бўлган Зот - Аллоҳга қасамки, бу оғиздан фақатгина ҳақиқат чиқади», дедилар»

[Саҳиҳ] [Абу Довуд ривояти]

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган ҳар бир ҳадисимни ёдлаш учун ёзиб олар эдим. Шунда қурайшлик кишилар мени бундан қайтариб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабланганда ва оддий ҳолатларида гапирадиган инсондирлар хато қилишлари ҳам мумкин», дедилар. Шундан сўнг ёзишдан тўхтадим ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга Қурайшликларнинг айтган сўзлари ҳақида хабар бердим. Шунда бармоқлари билан оғизларига ишора қилиб: «Ёзавер! Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, қандай ҳолат бўлмасин, ғазабламанами ёки рози бўламанми бундан фақатгина ҳақ сўз чиқади» дедилар. Аллоҳ таоло пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида: {У ҳаводан нутқ қилмас.У ваҳийдан ўзга нарса эмас}, - деб айтган. [Нажм:3-4]

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65077>

